

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 84 (65960).  
1996 йил, 13 ноябрь, чоршанба

Сотувда эркин  
нарҳда

## Шу сонга хабар

### ОБУНАНИ ЯКУНЛАДИК

Ҳозирги кунда республикамизнинг барча уқув масканларида матбуот нашрларига обуна мавсуми қизгин давом этаяпти. Бизнинг 28-мактабимизда эса обуна якунланди. Якунланганда ҳам 100 фоизга. Мактабимизда таҳсил олаётган 440 нафар уқувчининг ҳаммаси 1997 йил учун турли нашрларга обуна бўлдилар. Кимлардир «Гулхан», «Гунча»га ёзилишган бўлса, яна кимлардир «Саодат», «Еш куч» жур-

налларини маъқул қуришди. Лекин уқувчиларимизнинг аксарияти севимли газетамиз «Тонг юлдузи»га обуна бўлишди. Зафар Шаропов, Фурқат Ражабов, Гулшана Исмоилова сингари аълочи ва жамоатчи уқувчиларимиз обуна мавсумида ҳам фаоллик курсатишди. Энди йил давомида қадрдонимиз «Тонг юлдузи»ни мириқиб уқийдиган бўлдик.

**Малоҳат РАЖАБОВА,  
Бухоро вилояти, Гиждувон туманидаги  
28-мактаб ўқувчиси.**

Ривоят қилишларича, Абу Али ибн Сино вояга етганларида дунёга машҳур ҳаким бўлиб танилибдилар. Кунларнинг бирида оталари шундай насиҳат қилибди:

— Уғлим, сиз шаҳзодаларни даволаш учун саройга қўқатнайсиз. Истардимки, узингиз ҳам сарой курсангиз. Бундай саройлар ҳар бир қишлоғу шаҳарларда камида биттадан бўлса. Қанча қўқ булса, шунча яхши.

— Сарой қуриш учун маб-

ёшлар уртасида дустликни тарғиб қилиш, уларга миллий урф-одатларимизни ургатиш, касбга йўналтиришдан иборатдир.

— «Дустлик» клубига қатнашаётганимга ҳам беш йил бўлиб қолди, — дейди клуб аъзоси Алишер Ражабов. — Ана шу вақт ичида мен қўқчилик ҳам-дустлик шаҳарларида бўлиб ўтган фестивал ва дустлик учрашувларида қатнашиб, қўқлаб дустлар орттирдим. Уларнинг ичида айниқса, Карелиянинг Костомукша шаҳрида бўлиб ўт-

## Бизга ёздилар

\*\*\*

Усмон Юсупов туманидаги «Миришкор» қишлоғида янги лицей очилди. Бу масканда физика, математика, тил ва адабиёт фанлари чуқур ургатиладиган гуруҳлар бор. Уларнинг ҳар бирида 20 нафар ўқувчи илм урганмоқда. Ўқувчилар «Соҳибқирон», «Хумо», «Зиё», «Аълочилар» деб номланган бурчаклар ташкил этишган. Уларда ўқишдаги, тарихни урганишдаги ютуқлар ҳақида ҳикоя қилинади.

**Файзулла ЭШҚУЛОВ.**

\*\*\*

Яқинда Нишон туманидаги «Лола» болалар боғчаси узининг уттиз йиллик туйини нишонлади. Юбилей соҳибқирон Амир Темура бобомизга бағишланган тантаналарга уланиб кетди. Бу қўқлуғ масканда бундан уттиз йил муқаддам тарбияланган «болажон»лар ҳозирда ўз болалигига қайтиб, шеър, қўқчиқлар айтишди. Иштирокчилар роса қувонишди.

**Шерзод ҚОРАЕВ,  
Қашқадарё вилояти.**



## СИРОЖИДДИННИНГ СИРИ

Холамнинг ўғли Сирожиддиннинг ҳамма нарсаси бор. Ҳатто яқинда— туғилган кунда унга «Сего» совға қилишди. Аммо у кўпинча маъёс ҳолда юради. Сабаби, дадаси билан ойисининг бирига яшашмаётганида. Аммо бир неча кундан буён у бошқачароқ, яъни хушчақчақ бўлиб қолди. Мен бунинг сабабини билишга унчалик уринмасдим. Барибир бир кун узи айтиб беради, деб ўйлардим-да.

Кунларнинг бирида у ҳадеб тургаётганидан ўйғондим.

— Ҳали қорон-ғу-ку, нима ишинг бор эди, — дедим унинг, Жамол ака. — Ту-мен дадамнинг олдиларига кетаяпман. — Бугун соат саккизга кел, девдилар. Аямга бирор нарса баҳона қилиб туринг, билсалар хафа бўладилар, — деди шивирлаб у.

У кетди. Орадан бир-икки соат ўтгач, холам хавотирланиб мени суроққа тута бошладилар. Ҳадеб суриштираверганларидан сирни очишга мажбур бўлдим.

Пешинларга яқин Сирожиддин келди. Унинг қўқлида турлитуман совға-саломлар, эгнида янги чарм куртка, оёғида туфли бор эди. Ҳовли юзида онаси билан тўқнаш келди-ю, нима деярини билмай тўхтаб қолди. Холам бўлса ҳеч нарса билмагандай, «Келдингми, болажоним?» дея утиб кетдилар.

— Оббо, сен-ей, даданг билан анчадан буён учрашиб юраркансан-да, — дедим унинг елкасига уриб.

Унинг чехрасидаги маъёслик урнини шодлик эгаллагани боиси шу экан. Дадаси билан бирига бўлиш қандай яхши-а...

**Ж. ЗАЙНОБИДДИН ўғли,  
Тошкентдаги 217- мактаб ўқувчиси.**

лаг керак-ку?

Уғил ўйлай-ўйлай муйсафидлардан маслаҳат сурабди ва бир аллома шундай жавоб берибди:

— Шаҳримизга узга шаҳар ва қишлоқлардан саёҳатчилар, савдогарлар, қосиблару деҳқонлар жуда қўқ келишади. Сиз айнан шулар орасидан ҳалол, тўғрисуз, дилкашларини излаб топинг, танишинг ва албатта дустлашиб олинг. Дустингиз қанча қўқ булса, шунча яхши. Сиз ҳам вақти келиб уларнинг Ватанларига бориб қолганингизда дустларингизнинг ўйлари сизнинг саройингиз бўлиши тайин, — дея маслаҳат берибди муйсафид.

Яхши дуст орттириш, уларнинг суҳбатида бўлиш, дустлар диёрида узига сарой қуришдай гап. Мана шунини дилдан ҳис қилган Тошкент шаҳридаги Ҳамза тумани ҳокимияти қўқлидаги «Дустлик» клуби аъзолари Бухоро шаҳрида дустлик фестивалини утказиб қайтишди.

Республикамиз Мустақилликка эришган йили ташкил топган бу клуб Россиянинг Ковров шаҳрида жойлашган Халқаро дустлик клублари ассоциациясининг тулиқ аъзоси. Ҳам-дустлик мамлакатларининг қарийб барчасида, шунингдек, Америка, Германия, Франция, Туркия ва бошқа қўқгина ривожланган давлатларда дустлари бор.

Клубнинг мақсади ўқувчи

## ДҮСТИНГ ЮЗТА БЎЛСА ҲАМ КАМ

ган учрашув менинг ҳаётимда учмас из қолдирди. У ерда бўлиб ўтган бир воқеа сира ёдимдан чиқмайди.

Костомукшага бизлар 4 киши — раҳбаримиз Алима Қурбонбоева, уртоқларим Отабек, Бурҳон ва мен борган эдик. Бизни бу ерда жуда илиқ қўқтиб олишди. Шаҳарни роса томоша қилдик. Фестивалнинг учинчи кунини мезбонлар клуби раҳбари Тамара Григорьевнанинг ўғли Женяни мотоциклда юрганида машина уриб кетди. Бунини эшитиб, Бурҳоннинг ҳам юраги ёмонлашиб узини йўқотиб қўқиди. Биз Отабек, латвиялик Марина, Шимолий осетиялик Яна ва Вероникалар уни тезда Тания исмли қизниқига жойлаштириб, «Тез ердам»га хабар бердик. Бир мунча вақт ўтмасдан «Тез ердам» машинаси етиб келди. Шифокорлар Бурҳонга тезда дори-дармон беришиб, узига келтиришди. Биз қўқшни хонага кирсак, ҳам-дустлик давлатларидан келган барча дустларимиз йиғилишиб, бариси ўз тилларида, аммо ниятлари бир — худодан Бурҳон ва Женяга шифо тилаб, илтижо қилиб туришарди. Тўғриси, бизлар ҳайратланиб кетдик. Илоҳий қўқлар таъсир қилдими, ростдан ҳам эртасига Бурҳон, сал ўтмасдан эса Женя ҳам соғайиб кетди. Бизнинг қўқончимиз чексиз эди. Мен ушанда дустлик қўқининг хатто муъжизалар яратишга қодир эканлигига ишонганим. Шунинг учун «Дустлик» клубининг номида ҳам яширин қўқ бор, деб ўйлайман. Мен унинг келажақда дустлари янада қўқайишига ишонаман.

Айтганларидек, «...дустинг юзта бўлса ҳам кам...».

**Феруза ОДИЛОВА.**

СУРАТДА: Дустлик учрашувларининг бирида.

**Р. АЛЬБЕКОВ** олган  
СУРАТ



Эргаш ака куз касалликлари шифохонасида анча даволанди. Шифо топгач, уйга кетишга рухсат беришди. Аммо нимагадир у касалхонадан чиқишга ошиқмасди. Айни пайтда узига боғлиқ булмаган бир нарса уни ипсиз боғлаб турарди.

Жарроҳлик хонасида ута мураккаб операция борарди. Шифокорларнинг аксарияти шу ерда, йулакда Эргаш акадан булак ҳеч ким йуқ. Жарроҳлик хонасига термулганча уйга толган. Ҳаёлан Қарши шаҳрининг куп қаватли уйларидан бирида яшовчи бир болакайни

### Одобинг - обрўйинг

шаҳридаги куз касалликлари шифохонасида узоқ даволанди. Натижа бўлмади. Шунда уни Тошкентдаги республика куз касалликлари шифохонасига юборишди. Эргаш ака Улугбек билан ана шу шифохонада танишиб қолганди, ҳазилкаш ва қувноқ болакай билан дустлашиб қолишди. Улар алламаҳалгача узоқ-узоқ суҳбат қуришарди.

— Исминг Улугбек экан. Улугбек кимлигини биласанми? — деб суради ундан Эр-

дузига қараб, бошқа юлдузларнинг ҳаракатланишини кузатиб, соат неча булганини ҳам, ҳатто осмондаги юлдузларни санаш ҳам мумкин.

— Сен чиндан ҳам уз номингта муносиб, келажакда Улугбек бобомизнинг издошларидан булишингта аминман, — дея елкасига қоқиб қуярди-ю унинг кун сайин кичрайиб, қовоғи шишганидан юмилиб қолаётган кузларига боқиб, ташвишга тушарди. Болакайга сир-бой бермай:

— Сен кузингни очиб юришга ҳаракат қил. Акс ҳолда тузаланингдан кейин ҳам

## НИМА ИШ ҚИЛИБ ҚҮЙДИНГ,

### ШЕРЗОД?

изларди. Унинг исми Шерзод, ун-ун икки ёшлар атрофида. Ерга урсанг, кукка сачрайдиган, тиниб-тинчимас, шух ва айни пайтда ута курс бола. Мактабга ҳам ёлчитиб бормайди. Қулидан рогатка тушмайди, чунтаги майда тошларга тула. Ундан нафақат қушлар, болалар ҳам бе-зиллашади. Шерзоднинг бундай безори, дилозор бўлиб улгаётганидан устозлари, кўни-қушчилар ташвишда. Биргина даласининг парвои палак. Ҳеч қасерда ишламай юргани камлик қилганидек, худонинг берган кўни ичкилик ичиб, жанжал чиқаришни одат қилган. Шундан булса керак, Шерзод бошқа тенгдошлари сингари уйига ошиқмайди. Иложи булса, кучада юраверса, уйга кирмаса. Қушни уйда яшовчи отахоннинг айтишича, Шерзодларнинг уйида шайтон уя қурган эмиш. Чунки ичкилик шайтоннинг олови, уни ичган одам кофир жинлар билан уртоқ булар экан...

Бора-бора Шерзод ҳам даласидан «андоза» ола бошлади. Яъни, булар-булмаста уртокларига бақирадиган, ушқирадиган, арзимаган баҳоналар сабаб, уларни қийноққа соладиган одат чиқарди.

...Уйин майдончаси болалар билан гавжум эди. Уларнинг орасида Шерзод ҳам бор. Тургинчи қаватда яшайдиган Улугбек исмли бир бола уйининг балконида пастга қараб, укасини қақира бошлади. Юқоридан пастга эгилиб турган Улугбекни қурган Шерзоднинг нияти бузилди. Рогаткасининг соғқонига тош солиб, уни нишонга олди. Улугбек кутилмаган зарбадан юз-кузларини чангаллаганча, чинқириб юборди. Шерзод «мерган»нинг отган тоши унинг ун кузини жароҳатлаганди. Улугбек Қарши



гаш ака.

— Ҳа, юлдузлар оламининг подпоси Улугбек Мирзони ким билмайди дейсиз? Мен ҳам юлдузлар илмини яхши кураман. Масалан, сиз Қутб юлдузини биласизми?

— Эшитганман, шундай юлдуз борлигини. Лекин у ҳақда ҳеч нарса билмайман.

— Тунда алашган одамлар, кемалар, карвонлар, ҳатто қушлар ҳам Қутб юлдузига қараб борадиган жойларини аниқлаб оладилар, — деди Улугбек.

— Мабодо сен Чулпон юлдузи ҳақида гапирмайсанми?

— Йуқ, Чулпон юлдузи бошқа, Қутб юлдузи бошқа. Чулпон юлдузи купроқ тонг пайтда кузга ташланади. Қутб юлдузи эса шомдан то тонггача бир ерда туриб, оламини кузатиб туради. Осмондаги жамийки юлдузлар унга боғлаб қўйилгандек атрофида айланишади. Қутб юл-

кузингни қисиб юрадиган бўлиб қолсан, дея дашном бериб қуярди.

Улугбекнинг куз қорачиги кундан-кун кичрайиб бораверди. Ниҳоят... Бугун уни операцияга олиб кириб кетишди. Эргаш аканинг уйига ошиқмаётганлигининг боиси ҳам шунда. У ёш дустининг жарроҳлик хонасидан қандай чиқишини сабрсизлик билан кутарди. Ишқилиб, ярим жонликдан, шу ёшида дунёга бир куз билан қараб қолишдан Оллоҳнинг узи асрасин-да...

Ниҳоят жарроҳлик ишлари ниҳоясига етди. Эргаш ака хонадан чиқиб келатган оқ халатли шифокорларга умидли нигоҳ билан термулади. Нима бўлди? деб сурашга эса журъати етишмайди. Шифокорларнинг юз-кузларидан бирор маънони уқиш мушкул. Уни операция қилган жарроҳ Муяссар Эргашеванинг юзлари ҳорғин. Атрофдагиларни пайқамас, туғрироғи, ҳеч ким билан гаплашгиси йуқлиги шундоқ сезилиб турарди. У ҳам мана шу бир неча кун ичида Улугбекни уз углидек севиб қолганди. Лекин найлож...

Улугбек бир куз бўлиб қолди. Энди у оламини бир куз билан куради. Севимли юлдузларини ҳам бир куз билан томоша қилади. Эҳ, Шерзод, нима иш қилиб қўйганингни билсанг эди?..

Эргаш ака Улугбекнинг уйғонишини кутмай, хомуш, маҳзун чиқиб кетди. Бироқ у Улугбекка ҳаёлан тасалли берарди: «Менинг ҳазилкаш ва қувноқ ёш дустим! Булар иш бўлди, қайгуриш бефойда. Дунё тарихида бир куз билан ҳам дунёни титратган Боязид Елдириддек, Кутузовдек лашкарбошилар утган. Бушанма, мардона бул! Ноумидлик — қалби нурсиз одамларга хос! Эркин МАЛИКОВ.

### 2 - ЧОРАК БОШЛАНДИ

## ЧОРАКНИ ОБУНАДАН БОШЛАДИК

Кузги таътил кунлари ортида қолиб, уқув йилининг иккинчи чорагини ҳам бошлаб юбордик. Фурсатни бой бермай, сеvimли газетамиз, қадрдонимиз «Тонг юлдузи»га обуна бўлишга киришдик. Барчамизнинг айнан шу газетага обуна бўлаётганимизнинг боиси бор. Чунки бу газета барчамизнинг сеvimли нашримиз—да. Адабиёт фани уқитувчимиз Зухро опа Рустамова унинг ҳар бир сонини олиб келиб, бизга уқиб берардилар. Дарсдан сўнг унда нашр этилаётган мақола ва хат-хабарларни уқиб, муҳокама этамиз. Узимиз ҳам кичик-кичик мақолапар ёзишга ҳаракат қиламиз...

Ҳадемай мактабимизнинг ташкил қилинганига 70 йил тўлади. Айни кунларда ана шу санага қизгин ҳозирлик кўряпмиз. Кекса мураббийларимиз, бобо ва бувиларимизнинг ҳикоя қилишларича, мактабимизнинг очилиш маросимида Файзулла Хўжаев ҳам иштирок этиб, нутқ сўзлаган, туманда биринчи бўлиб ташкил қилинган мактабимиз уқувчиларини ва уқитувчиларини қизгин қутпаган, билим масканимизга оқ йўл тилаган эканлар. Бу ҳикоядан бизларнинг ҳам бошимиз кўкларга етди. Гуёки Файзулла бобомиз бизларни ҳам аъло уқишга даъват қилаётгандек бўлиб кетдилар...

Ушбу санага атаб мактабимиз уқувчиларининг баъри уз совғаларини ҳозирлашяпти: кимдир шеър ёд оляпти, яна кимдир қушиқ ўрганияпти. Мен эса уз совғамни «Тонг юлдузи» орқали изҳор этишни хоҳлардим. Мактабимизнинг 70 йиллик тўйи муносабати билан устозларимни, хусусан, биринчи муаллимимиз Мукаррама опа Ҳайдаровани самимий қутлайман.

Гулчирой МУҲАМЕДОВА,  
Бухоро вилояти, Гиждувон туманидаги 1-гимназия  
мактабининг 9-синф ўқувчиси.



### ШИМ БИЛАН - ЭЛ БИЛАДИ

#### Ўқиб, хулоса чиқаринг

ларинг катталарниқига ухшайди. Аввал ўқиб, урган, ишлаш қо-  
— Катталар билан хизматда бўл-  
гандан кейин. Узим ҳам бир хил  
вақтларда катта бўлиб кетаётган-  
га ўхшайман.  
— Ана, шоферларинг қақириб  
қолишди. Сендан катта булганим  
учун бир маслаҳат бермоқчиман.  
Шавкат билан  
«Тонг юлдузи»нинг  
жамоатчи муҳбири  
Наргиза ЁҚУБОВА  
суҳбатлашди.

Таҳририятдан: Юқорида сиз суҳбатига гувоҳ бўлган тенг-  
дошингиз Шавкатжоннинг чиптачилик қилиб юрганига қан-  
дай қарайсиз? У тўғри йўл тугаяптими ёки муҳбир опангиз  
айтгандай ёшлиқда аввал ўқиб, ўрганиб олиш керак, ишлаш  
қочмасми?

Фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз.

### ЧИПТА СОТУВЧИ БОЛА

Менда чиптачилик қилиб юрган бола билан суҳбатлашмиш истаги пайдо бўлди. Унинг исми Шавкат эди.

— Кечирасан, сен билан суҳбатлашмоқчийдим, вақтинг борми?

— Ҳа, албатта. Ҳозир туш вақти, бемалол.

— Қайси мактабда, нечанчи синфда ўқийсан?

— ... Мактабим номига яхши хабармас-да.

— Бу ишга қандай қилиб жойлашиб олдинг?

— Ўқидан кейин бекорчи бўп юрувдим, кейин шу иш чиқиб қолди. Қарасам тирикчилик қилса бўлади. Короче, жойлашиб олдим.

— Қайси транспортда юрасан, рақамини айта оласанми?

— Кераги йуқ.

— Хоҳишинг. Ота-онангнинг бу ишингта муносабатлари қандай?

— Қанақа бўларди, яхши. Қуида чойчақа ишлаб турибман.

— Мен гапларингдан ажабланыпман. Худди иқтисодий томондан қийналиб, пул топиш йулига кирганга ухшайсан.

— Йуқ, сиз тўғри тушунинг, Пул энг харом, лекин энг керак нарса. Шунинг учун ишлавомман.

— Мактаб-чи, уқиш ҳам керак-ку. Пул топишга берилиб кетиб, уқишларинг қолиб кетса, катта булганингда қийналмайсанми?

— Эй, опажон, менимча қийналмасам керак. Ҳозирги қуида ишлаган тишлавотти. Иш биланга минг танга, дейишади-ку.

— Шавкат, «Катта булганингда ким булишни орзу қиласан?»

— Бизнесмен. Фирмада директор бўлсам, машинам, дангиллама участкам бўлса... эҳ-ҳе, орзуларим кўп.

— Узинг ун уч етдасану, гап-



## ОРЗУЛАРИ МҮЛ ҚИЗЛАР

11-синф ўқувчилари даврасидан. Улар саралаб олинган иқтидорлилар. Кўпчилиги адабиёт, химия фанларига қизиқади. Уларни саволга тугаман:

— Қизлар, бу синфда илк бор ўқитган экансизлар. Қайси томон сизларга ёқди?

Гулрух: — Мукамал, яхши дарс утишади. Ўқувчиға етиб борадиган даражада.

Маҳбуба: — Сиз узгаларга, узгалар сизга бошқача муносабатда бўлишади. Узингизни катта бўлиб қолгандай ҳис этиб турасиз.

Норжон: — Янги синфдош — уртоқларимиз кўп.

— Ҳозир активлик кимнинг қўлида, сизлардами ёки ўғил болалардами?

Хуршида: — Ҳозирча бизларда булса керак. Йигитлар ҳам чакки эмас.

Гулрух: — Болаларни ҳозир кўпроқ тўпиш қизиқтираётти. Қайсидир томондан бу ҳам яхши. Ахир улар эртага оила бошлиғи бўлилади-да.

— Иқтидорли ўқувчиларга дарс берадиган ўқитувчилар ҳам бошқача бўлишса керак?

Гулрух: — Бизга саралаб олинган ўқитувчилар дарс утишади.

Норжон: — Мен ўқитувчиларни ҳеч қачон сараламаган булардим, улар ҳаммалари бизнинг билим олишимиз учун жон куйдиришади.

Маҳбуба: — Барибир, нима бўлганда ҳам, урганганимиз узимизга.

— Қизлар, ҳадемай мактабни тугатиб «собиқ ўқувчи» деган унвонни оласизлар. Келгуси авлодни, XXI аср ўқувчисини сизлар қандай тасаввур этасизлар?

Гулрух: — Замонага қараб замонасозлик қиладиган ёшлар бўлади.

Хуршида: — Ҳар битта ўқувчининг уйида ҳам, партасида ҳам компьютер бўлади.

Маҳбуба: — Улар биз каби 11-синфда саралаб олиниб ўқитилмайди. Мактабнинг 1-синфига қабул қилинадиган ўқувчи боғчадан «аълочи» бўлиб келади.

Норжон: — XXI аср ўқувчиси албатта биз каби ўқувчи бўлади. Кези келиб дарс қилмайдиган кунлари ҳам келади. Бола бўлади, уйинқароқ бўлади.

— Қизлар, орзуларингиз...

Улар саволимни тугатмасиданоқ чуғурлашиб қолишади. Кимларгадир суз етмай қолади. Уларнинг орзулари кўп, қайсидир ўқитувчи, яна бири шифокор, ҳамшира, журналист, сотувчи... бўлишни исташади. Тугри-да, мактаб остонасидан ҳатлаб, келажакка қадам қўяётган бу ёшларнинг касб танлашдан бошқа қандай орзуси бўлсин?

— Бундай болаларга оддий фанларни ўқитишнинг ўзи қийин, мусиқадан дарс ўтиш ундан қийинроқ бўлса керак. Сиз махсус олийгоҳни битирганимиз?

— Тошкентдаги 24-урга мактабда ўқиш билан бирга Надедин номи мусиқа мактабига қатнаб, рубоб синфида таҳсил олганман. Кейин Тошкент Давлат театр ва рассомлик санъати олийгоҳи актёрлик факультетини тугатганман. 1993 йилдан буён шу ерда, заиф эшитувчи болалар Республика мусиқа мактаб-интернатида дарс утиб келмоқдаман.

— Ҳамма нарасанинг ҳам бошланиши қийин бўлади дейишди?

— Тугри, товуши аранг чиқадиган ёки умуман нутқи ри-

Муаллимнинг қуёшдек тафти инсоният гулзорини қайта-қайта гуллатувчидир. Жамиятнинг мазмуни ҳам бир ҳисобда маорифга боғлиқ. Айни кунларда бутун мустақил республикамизда амалга оширилаётган маориф соҳасидаги ислохотлар ўзининг илк нишонларини кўрсатмоқда. Келажакка маърифатли, маънавияти бой ёшларни етказиб бериш борасида қизгин иш олиб бораётган мактаблардан бири сифатида Навоий вилояти, Қизилтепа туманидаги Абу Али Ибн Сино номи 12-мактабни кўрсатишимиз мумкин.

Қуйида шу мактаб ҳақидаги суҳбатларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

## ЎХШАШЛИГИМИЗ — ШҲХЛИГИМИЗ

Мактабни битирганимга ҳам беш йил бўлди.

5 йиллик ҳаёт кўп нарсани узгартириб юборди. Аммо энг унутилмаси мактаб ҳақидаги хотиралар бўлиб қолди. Бу гал қишлоққа борганимда, унинг мактабиде меҳмон бўлганимда бахтли онларимнинг қачонлардир утиб кетганини яна бир бор афсус билан эсладим.

Дарс бошланганига қарамай, ҳовлидан, коридордан, синф хоналаридан эшитилиб турган шовқин-суронлар, ўқитувчиларнинг дарс қилиб келмаган бутун синф ўқувчиларини тергашлари... Ҳамма-ҳаммаси бизникидек. Давр узгарди-ю, аҳвол уша-уша. Биз ҳам шундай эдик, аммо бизни кези келганда уришиб, кези келганда осмонларга отишарди. Бизга ухшашлик томони кўп бўлган бутунги ўқувчининг нимаси узгарди экан?

Биринчи суҳбатдошим, тугрироғи, сирдошим Насима опа Қодирова бўлди.

— Бутунги ўқувчидан нолийдиган одам аввало узини-узи имтиҳон қилиши лозим. Ўқувчи ҳам, ўқитувчи ҳам уша-уша. Аммо замон узгаради, замон билан бирга юривчилар ҳам. Ўқувчиларни мен шундай деб атайман. Тан оламан, бутунги ўқувчидан биз орқароқда қолиб кетдик. Уларнинг истагини қондирмаганимизки, улар бизга ишонмай қўйяпти. Ҳозир ҳам ун йил олдинги иш плани билан дарс ўтаётган домлар йўқ дейсиз-

ми? Ҳаммаси ана шуларнинг касофатидан. Бутуннинг ўқувчиси билимсиз эмас. У радио тинглайди, телевизор куради, газетга ўқийди. Ҳақиқатнинг қайсидир томонини англаб етади. Сиз бу ёқда ҳар йили утавериб ёд бўлиб кетган, социалистик буйруқлари билан тасдиқланган китобларнинг темаларини утсангиз. Ўқувчида ишонч қолади-ми? Икки ут орасида қолган ўқувчи ёлгондан ҳам, ҳақиқатдан ҳам юз утириб дарса кирмай қўяди. Ёки, дарснинг мажбурий тингловчисига айланади.

— Насима опа, биласизми, 15—16 ёшдаги қизлар, болалар ўзларига шу ёшда эркинлик беришларини истаб қоладилар...

— 15 йилдан буён ишлаётган бўлсам, ҳар йилги муҳокамали мавзу шу «эркинлик» учун бўлади. Бу ёшдагилар мактаб формадан воз кечишади. Қизларнинг сочи қисқаради, йигитларники узаяди.

Парта остидан ойна-ю тароқдан тортиб, лаб буюғига топилади. Мен бунга қаршиман, ҳар бир ўқувчим олдига аввало билим олишни шарт қилиб қўяман. Ёшлиқдан билим олиш керак. Кейин ҳамма нарсига улгурса бўлади. Кўпинча ўқувчи билан ўқитувчи орасида норозилик ана шу танбеллардан бошланади.

— Тугри, сиз ўқитувчисиз, демак, ўқувчингизга 6 соат ҳам ота, ҳам онасиз.

— Айтайлик, бир ўқувчи қизим ясаниб-тусаниб, соч турмақларини узгартириб келди. У уша куни битта ҳам дарсни тушунмайди. Дарсни тинглашдан кура «Сочим қандай турибди, кийимим ярашган-

ми, буюғим кетиб қолмадим?» деган саволлар билан чалғиб қолади. Бундай ўқувчимни бутун синф олдида уялтирмайман, айтганимдай, ота-онаси бўлиб насихат қиламан. Ва эртасига уни олди ўқувчи сифатида кураман.

— Демак, яна мавзунгизга қайтасак — бутунги ўқувчи ҳақида фикрингиз...

— Албатта яхши. Мен уларга ишонаман. Уларда бизнинг узимизда бўлмаган изланиш, талабчанлик, ҳақиқатқуйлик бор. Ухшашлик эса уша-уша.

## ҚАДИРҒОНЛАРИНИГ СЕВИМЛИ ОНАСИ

Бу мактабни бир суз билан ашулачи-ю қушиқчиларнинг маскани деб аташ ҳам мумкин. Гувоҳликни пешпоғига «Мусиқа тугараги хонаси» деб ёзиб қўйилган эшик бера олади. Неча йилдирки, шу хона, шу эшик ва сочига оқ оралаб қолган мусиқа муаллими Шарофат опа дардқаш, сирдош. Опанинг изтиробларини қувончларини улар тинглайди.

Биз хонага кириб борганимизда кузни қувонтирадиган ҳолатга дуч келдик. Шарофат опа Ражабова билан сузлашмоққа қисқа фурсат ичида имкон тополмадик. Аммо уларнинг ишларини эл оғзидан эшитиб, уз кузим билан қуриб, уларга қалбимнинг тубидан чиққан ушбу битикларни битдим: Шарофат опа, сизни мен жуда олдиндан танирдим, сиз ҳақингизда эшитганларим руё эмаслигига ҳам тан бераман. Эндигина қушиқчилик мактабига кириб келаятган овоз-

ни саҳнага олиб чиқмоқ... Шунинг ҳис этган одамгина сизга қанчалик оғир эканлигини албатта тушунади.

Туманда эмас, балки, республикада ҳам донг таратган, сизнинг қора меҳнатингиз билан ташкил этилган «Дуторчи қизлар» дастангиз ҳақида ҳозир ҳам ширин хотираларим бор. Ўқувчиларингизнинг олис қишлоқда туриб пойтахт телевидениесиде чиқишини сизнинг маҳоратингиз тасаввур эта олмайман. 50 дан ортиқ ўқувчи шоғирларингиздан эртага нима умидлар қўйяпсиз? Мен булардан беҳабарман. Аммо шунга ишонаманки, узга шоғирларингиздек улар ҳам сизнинг юзингизни ёруғ қилишади. Шарофат опа, ташкил қилган дастангизни «Қалдирғоч» деб атабсиз. Яхши ният билан унга шу сузни айтмоқчиман: «Қалдирғоч», қанотларинг ҳеч қачон қайрилмасин. Эл ҳақида, озоод юрт ҳақида, буюк халқ ҳақидаги қушиқларинг оламни тутсин. Сиз эса, Шарофат опа, «Қалдирғочларнинг сеvimли онаси» бўлиб қолинг доимо.

## ИҚТИДОРЛИ БОЛАНИ ХУДО БЕРАДИ

Насриддин ака Шарипов «орзулари мўл қизлар»нинг устози, энг яқин маслаҳатдоши ва синф раҳбари. У кишидан бутунги мактаб ҳақидаги баъзи мулоҳазалари билан уртоқлашишларини илтимос қилдик.

— Бутуннинг мактаби, ҳар замондагидек, ўқувчисининг қандайлигига қараб белгиланади. Демак, 11-синф ўқувчиларидан 31 нафар иқтидорли аълочи ўқувчини саралаб олганимизнинг ўзи бизнинг катта имкониятга эга эканлигимиздан дарак беради. Бундай усулни биз кеч бошладик. 1-синфда «Алифбе»ни ўқиб бўлганидаёқ шундай гуруҳларга ажратмоғимиз даркормикан? Яна бир фикр — мажбурий таълимдан воз кечмоғимиз керак. Уқини тан олмайдиганга хунар ургатишимиз керак. Мактаб нафақат билим маскани, тарбия маскани ҳам-ку!

Бу синфга синф раҳбари қилишганида бироз қийналдим. Чунки, нега икки олдин, нега дарс қилмайдиган, деб тергайдиган ўқувчинг йўқ. Дардан сунг синф машғулотларида кўпроқ уларга тарбия беришман. Чунки, ўқувчиларим бир неча ойлardan кейин етуклик гувоҳномасини қулларига оладилар.

Бутунги мактаб бизга кенг имконият яратиб беришти. Биз ундан иқтидорлиларни таълаб олиш имкониятига эгамиз. Иқтидорли ўқувчини асрамоғимиз керак. Чунки, иқтидорларни худо беради.

Лайло КАРИМОВА.

## Болаларга қайғурмоқ келажакка қайғурмоқдир

### БИТТА ҲАРФ, БИТТА ТОВУШ УСТИДА...

Забонсиз ёки нутқи яхши ривожланмаган, заиф эшитувчи ёки умуман эшитмайдиган болаларга мусиқадан дарс берувчи инсонни Бахтиёр Мусаев деб таништиришди. Ногирон қора кўзлар қалбига мусиқани, қушиқни имо-ишоралар, ҳаракатлар орқали етказишга интиляётган бу матонатли муаллим билан суҳбатимиз қизиқарли бўлди.

вожланмаган, яхши эшитмайдиган болалар билан тил топишишим осон кечмади. Дастлаб дарса кирган пайтларимда уларнинг имо-ишораларини, нима демоқчи эканликларини тушунолмайд жуда сиқилардим. Танафус пайтларида ёки буш кунларимда шу ердаги ўқитувчилардан таълашиш усулларини, ҳаракатларини ҳам урганиб олдим. Болаларнинг узлари ҳам у ёқ-бу ёқдан келиб, атрофимни ураб олиб, мени уз-

ларига куниктиришди. Айтиш керакки, улар жуда сезгир, истеъдодли бўлиб, тартиб-интизомли, устозларни қаттиқ хурмат қиладилар.

— Нечанчи синфларга дарс берасиз?

— Асосан бешинчи синфдан мусиқа дарси бошланади. Битта узим эмас, ҳамкасбим Муқаддасхон ритмикани, яъни ҳаракатли уйинларни ургатадилар.

— Ўргатганларингизни қайта-

ра олишадими?

— Бу ердаги болалар мутлақо эшитмайдиган ёки гапирмайдиганлар эмас, уларнинг бир оз бўлса-да нутқларини чиқариб, эшитиш қобилиятини яхшилаш мумкин.

Керак бўлса, битта ҳарф, битта товуш устида болалар билан ҳафталаб эртаю кеч ишлайдиган устозлар ҳам бор. Мен ҳам болаларга қушиқлар ургатиб, қизиқтириб, журлик билан

қуйлашни ургатаман.


Утган йиллар давомида ўқувчиларим билан Республика болалар бадиий ижодиёти фестивалида қатнашиб, юқори уринларни эгаллашга эришганимиз.

— Телевидение орқали ижро этилган «Соқов она алласи» номи қўшиғингиз ҳам ниҳоятда таъсирли. Сузларини ҳам ўзингиз ёзганимиз?

— Шейрини дустим Шавкат Азизов ёзган. Шунинг айтиб утишим керакки, битта узим ашула яратмайман. Бутун гуруҳимиздаги дустларим билан бирга ижод қиламиз. Унинг номи — «Замин».

— Серқирра ижодингизга баркамоллик тилаймиз.

Саида ЗОКИРОВА.





Мен бу истаралигина болани қаердадир курганман... Э-э, эсимга тушди — Нурлан Ботиров. Тошкентдаги 97-мактабнинг 8-Г синф ўқувчиси. Тажрибали сураткаш-мухбир Эркин Ботировнинг фарзанди. Буюк мустақиллигимиз тантаналари арафасида тахририятимизга келганди. Кулида бир даста чизгилар. Ватан тимсоллари муҳрланган эди оппоқ қоғозларга. У Тамгамиз, Байроғимиз нусхасини қандай буюкларда акс эттиргани ҳақида ҳаяжон билан тушунтирар эдики, гуё биз унинг бирор бир қиррасини илғамай қолсак, «ишлари кемтик булиб қолади» гандай эди. Энди булса у бизга «Ноеб капалаклар», «Ургимчаклар ҳам фойдали жонивор» деб номланган туркум суратларни олиб келибди.

— Қушлар, жониворлар, ҳашаротларни жуда яхши кураман. Ўзбекистоннинг «Қизил китоби»га кирган капалакларнинг суратини чиздим, — дейди Нурлан чизгилари ҳақида яна ҳикоя қиларкан. — Мана, «Аполлон», «Подарилый», «Александр» деб номланган капалаклар. Ушбу гузал жониворлар она табиатимизнинг ажойиб безакларидир. Нурлан баъзи одамлар «чақали» деб улдиришга ҳаракат қиладиган ур-

гумчаклар ҳақида ҳам меҳр билан гапирди.

— Ургумчаклар, — дейди у — пашпа, чивин каби зараркунандларга қирон келтиради. Демак, у инсоннинг ҳам яқин дустри.

Дарвоқе, Нурланнинг дадажониси Эркин Ботиров қозоқ дустларимизнинг Ўзбекистонда чоп этилаётган «Нурли жол» газетаси ҳо-

лигини яна бир бор исботлади. Узи бошчилигидаги фирма ҳисобидан 100 нафар ўқувчини «Тонг юлдузи»га обуна қилиб беришга аҳд қилди.

• Болалар! Атрофингизда, мактабингиз, синфингизда кимда-ким «Тонг юлдузи»ни ўқишни жудаям истасаю, моддий етишмовчилик боис унга обуна бўла олмаса, биз-

## САВОБДАН БАҲРАМАНД БЎЛИНГ

мийлигидаги «Туркистон ёшлари» фирмаси директори. Бу гамхур журналист узининг 30 йилга яқин меҳнат фаолияти давомида ёшлар олами, мактабдаги шарт-шароитлар туғрисида уз фикрларини суратли лавҳаларда баён этди. Аёлчиларни алоҳида меҳр билан тасвирга туширади. Меҳнатда, илмхунар урганишда, фан-техника, спорт оламида катта ютуқларга эришадиган ўқувчилар ҳам унинг назаридан четда қолмади.

Биз буларнинг ҳаммаси туғрисида нега гапиряёмиз? Гап шундаки, иқтидорли фотомухбир яқинда узининг болажон инсон экан-

га, еки «Туркистон ёшлари» фирмаси (директори Эркин Ботиров)га ёзинг. Яна бир гап: яқин атрофингиз, қишлоғингиз, маҳаллангиз, кучангиз, қариндош-уруғларингизда худди Эркин Ботировга ухшаш болажон, саховатли инсонлар бордир. Балки улар гамхур, савобталаб кишилардир юмушларининг куплиги туфайли обуна масаласи ҳаёлларидан фаромуш булгандир. Уларга икки оғиз суз билан эслатинг, газетамизни курсатинг. Хуллас, сиз ҳам савобдан баҳраманд булинг.

Т. СОЛИЕВА.



(Вьетнам эртаги)

Тай Нгуен деган қишлоқда бир аёл уғли Вьет Сои билан яшар экан. Кунлардан бир кун Вьет Сои қандайдир кулба олдида жуда чиройли бир қизни куриб қолибди. Вьет Сои уйга қайтиб, онасига дебди.

— Онажон, қишлоғимиз четида бир чиройли қизни учратдим. Агар рухсат берсангиз, мен унга уйлансам.

— Майли. Сен аввал қизга бетель баргидан бер, агар уни қабул қилса, демак сенга турмушга чиқишга рози булади. Бу бизнинг қадимги одатларимиздан бири, — дебди онаси.

Эрта тонгда Вьет Сои бетелни тайёрлаб булганда, онаси яна қўшимча қилибди:

— Келиннинг ота-онаси хурматини жойига қўй, дангаса булма. Унинг отаси нима қилса, сен ҳам қайтар. Барча истакларини олдиндан билишга ҳаракат қил.

Мана, ниҳоят Вьет Сои гузал қиз яшайдиган кулба эшиги олдида келибди ва қизга бетель баргларидан совға бериб-

ди. Қиз унинг тухфасини қабул қилибди. Вьет Сои жуда хурсанд булиб, узича уйлабди: — Энди онамнинг иккинчи маслаҳатларини бажаришим керак. Дангасалик қилмай, келиннинг отаси нима қилса мен ҳам шундай қилишим ва унинг истакларини кузларидан билиб олишим керак.

Қизнинг отаси болта олиб кулбадан чиқибди, буни курган Вьет Сои ҳам болта олиб унинг изидан борибди. Чол урмонга бориб, куриб қолган пальма дарaxти олдида тухтабди. Энди болтани кутариб дарaxтни қулатаман деган экан, Вьет Сои унинг қулидан ушлабди ва «Менга рухсат берсангиз, шу дарaxтни кулатаман», — дебди. «Майли, кулатақол», — дебди хурсанд

булган чол. Узи эса бамбук дарaxтини ағанатишга чоғланибди. Вьет Сои эса уз ишини яқунлаш урнига яна чолнинг қулидан ушлаб, «Менга рухсат берсангиз, мана шу дарaxтни ағанатсам», — дебди. «Майли, агар пальмани ағанатолмасанг, унда бамбук дарaxтини ағанатақол», — деб чол пальма дарaxти енига борибди.

Чол дарaxтга болта урмасдан, яна унинг олдида Вьет Сои пайдо булибди.

— Менимча у тентак булса керак, — деб уйлабди чол. Аммо тилида шундай дебди. «Яхши, сен бу пальма дарaxтини ағанатақол, мен эса бамбук дарaxтини ағанатаман». Чол шундай деб бамбук дарaxти олдида яқинлашибди. Энди дарaxтга болта урган экан, Вьет Сои яна унинг қулидан ушлаб қолибди. «Узингизни қийнаманг, мен узим шу дарaxтни ағанатаман», — дебди Вьет Сои.

— Йўқол бу ердан! — жаҳл билан бақириб юборибди чол.

Вьет Сои уйига қайтибди. Йўл буйи нима учун уни ҳайлаб юборгани сабабини уйлаб келибди. Лекин билолмабди. Айтишларча, у ҳалиям уйланмаганмиш. Ҳалигача келиннинг отасига нима учун ёқмаганини уйлаб юрганмиш.

**Манзура УБАЙДУЛЛАЕВА таржимаси.**

## Шоирлар болаларга

Толиб Йўлдош

### МЕҲМОН КЕЛСА

Уйимизда ҳаммаси бор,  
Биздан фақат хизмат талаб.  
Ойим қозон бошидалар.  
Учоқларга утин қалаб.  
Меҳмон келса келин-кечак,  
Кутиш билан оворалар.  
Оеқларга уралашиб,  
Чуғурлашар неваралар.  
Дастурхонни яшнатворар,  
Қуюқ-суюқ шишириқлар.  
Азиз меҳмон шарафига  
Тутатилар исириқлар...  
Меҳмон нозик, иззатталаб,  
Уй туридан жой берамиз.  
Тунаб қолишса, эрталаб  
Қаймоқ билан чой берамиз.

### ЖАЖЖИ ШЕЪРЛАР

Яхши бола йиғлаганда,  
Укасини овутади.  
Ёмон бола араз қилиб,  
Иссиқ ошни совутади.

\*\*\*

Шодивой шошиб қолди:  
Конфетимни ким олди?  
Ҳозиргина оғзимда  
Турган нарса йўқолди...

\*\*\*

Мен сузишни ургандим,  
Мушкул ишни унгардим.  
Энди сувга ботмайман,  
Ботсам-да, тинч ётмайман.

### СОЧ

Ойимларнинг сочлари  
Ҳаммадан оппоқ,  
Опамларники булса —  
Бирам қоп-қора.  
— Онанг шурликнинг ёши  
Бир ерга борган,  
Оғир йиллар меҳнати  
Билан оқарган.  
Опангники ҳам ҳали,  
Оқарар болам.  
Бошқа гаплардан гапир,  
Шундай бу олам.

### ЯХШИЛАР

Яхшиларнинг баҳоси йўқ,  
Чехралари очиқ булар.  
Ёмонлар-чи, туртайишган,  
Тили қозонсочиқ булар.  
Яхши-яхши сузлар айтиб,  
Сизга қувонч бағишлайди.  
Ёмон ёқлаб ёмонларни,  
Яхшиларни қарғишлайди.  
Тугри сузни эгри англаб,  
Ёмон очмас қовогини.  
Кузга илмас катталарнинг  
Берган панду сабогини.  
Яхши доим барчага тенг,  
Тугри унинг тутган йули.  
Ёмон ортда қолиб оқсар,  
Ҳеч вақт баланд келмас  
қули.

**ТОНГ ЮЛДУЗИ**  
Ўзбекистон болалари ва  
ўсмирларининг газетаси

Бош  
муҳаррир  
Умида  
АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:  
Наримон ОРИФЖОНОВ,  
Омон МАТЖОН,  
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,  
Марат ШАФИЕВ,  
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилли ва  
саҳифалавди. Оффсет усулида  
босилди. Ҳажми I босма табоқ  
Буюртма — Т -0642.  
7691 нусхада босилди.  
Қоғоз бичими — А-3.  
Босишга топшириш вақти 19.00  
Топширилди — 18.30

• Рўйхатдан ўттиш тартиби  
№ 000137  
• Манзилимиз: 700083,  
Тошкент шаҳри,  
• Матбуотчилар кўчаси,  
32-уй.  
• Нашр курсаткичи: № 64563  
• Телефон: 33-44-25